

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ПОЛИГРАФ ТАДҚИҚОТЛАРИ ОММАЛАШМОҚДА

Сабуров Алишер Икромович

Аннотация. Мақолада полиграф техникасининг тарихи, унинг ишлаш тамойиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва корпоратив бошқарувда қўлланилиши таҳлил қилинган. Шунингдек, полиграфни алдаш мумкинлиги ҳақидаги назариялар ва амалиётдаги муаммолар кўриб чиқилади. Суд-тергов жараёнларида полиграф хулосаларининг юридик аҳамияти, мутахассислар ва адвокатларнинг турлича ёндашувлари ҳам ёритилган.

Кириш. Замонавий психодиагностик воситалар орасида полиграф (ёлғон детектори) алоҳида аҳамият касб этмоқда. У нафақат жиноятларни тергов қилишда, балки меҳнат муносабатлари, корпоратив хавфсизлик ва шахсий муносабатларда ҳам қўлланила бошлади.

Полиграф ихтироچиси деб Уильям Марстон ҳисобланади. У ўтган асрнинг 20-йилларида инсоннинг ҳиссиётлари билан организмда кечадиган физиологик жараёнлар, хусусан, қон босими ўртасидаги боғлиқлик асосида ёлғонни аниқлайдиган ускуна яратган. 1933 йилда америкалик Леонард Килер дала шароитида олиб юриш мумкин бўлган полиграфни ихтиро қилди ва унга тери қаршилигини ўлчаш канали қўшилди.

Ҳозирги замонавий детекторлар нафас олиш, тер чиқиши, қон томирларининг тўлишини ва артериал босимни қайд этади. Бу жараёнлар инсон онгига бўйсунмайди ва у ёлғон гапирганда ўзгаради. Шу боис полиграфни “ёлғон детектори” деб аташ тўғри эмас – у фақат инсон ёлғон гапирганда организмда кечадиган психо-физиологик ўзгаришларни қайд этади.

Бугунги кунда полиграф шунчалик оммалашганки, йирик компанияларда ҳатто бир нечта полиграфологлар ишлайди. Корпоратив ҳуқуқбузарликлардан сўнг баъзи ташкилотлар ўзлари ходимларини текшириш амалиётини жорий этган.

Полиграфолог сўров вақтида бериладиган саволларни олдиндан айтиб қўяди – бу янги маълумотга реакция чиқмаслиги учун зарур. Саволлар оддий ва қисқа бўлиб, жавоб “ҳа” ёки “йўқ” бўлади. Одатда ҳар бир савол уч марта такрорланади. Тўғри савол тузиш ҳам алоҳида маҳорат ҳисобланади.

Текширув ўртача икки соат давом этади. Асосий вақт тайёргарликка кетади: полиграфолог синовдан ўтаётган шахс билан мулоқот қилади, ускуна иш принципларини ва қарши кўрсатмаларни тушунтиради. Масалан, бош мия жароҳати, нафас йўллари касалликлари, юрак-қон томир тизими муаммолари борлар, шунингдек, ҳомиладорлар текширувдан ўтмайди. Шунингдек, алкоголь ёки наркотик таъсирида, каттиқ чарчаган ёки тинчлантирувчи дори воситалари таъсирида бўлган шахслар ҳам синовга қўйилмайди.

Полиграфни алдаш мумкинми?

Интернетда турли “усуллар” бор: алкоголь ичиш, тинчлантирувчи қабул қилиш, ухлмаслик, қўл бармоқларига тальк ёки дезодорант суриш. Аммо мутахассислар бу усуллар ишламаслигини айтишади. Полиграфолог Геннадий Утенковнинг сўзларига кўра, бундай ҳолатлар тезда билинади ва текширув бошқа кунга қолдирилади. Унинг амалиётида ҳатто тинчлантирувчи восита қабул қилганлар текширувга кирмасдан олдин ҳаммасига иқрор бўлиб қўйган ҳоллар ҳам учраган.

Интернет қидирув маълумотларига кўра, “ёлғон детектори” ибораси кўпроқ жиноят ишларида учрайди. Текширув жараёни видеога ёзилади, натижалар эса иш материалларига қўшилади. Аммо полиграф хулосаси айбдорликни тасдиқлайдиган ягона далил сифатида қабул қилинмайди, балки бошқа далиллар билан биргаликда баҳоланади.

Полиграф – инсон ёлғонини тўғридан-тўғри эмас, балки организмдаги физиологик ўзгаришлар орқали баҳолайдиган ускуна. Унинг ишончилиги кўп ҳолларда полиграфологнинг малакасига боғлиқ. Суд амалиётида эса у асосий далил сифатида эмас, балки ёрдамчи восита сифатида қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳозирги кунда полиграф аппаратида фойдаланиш амалиёти жорий этилган.

Бундан кўзланган мақсад ички ишлар органлари сафига кадрларни танлаб олиш сифатини ошириш билан бирга, тизимга ватанпарвар ва жонкуяр ёшларни қабул қилишдан иборат.

Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган малакали ва тажрибали полиграфологлар томонидан амалга оширилаётган ижобий саъй-ҳаракатлар натижасида ўз хизмат вазифаларини масъулият ва сидқидилдан бажарувчи, садоқатли ва ҳалол сифатларига эга бўлган кадрлар сони кундан-кунга янада ошиб бормоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Marston W. M. (1923). Systolic Blood Pressure Symptoms of Deception. Journal of Experimental Psychology.

2. Keeler L. (1933). Lie Detector Technique. Chicago: Keeler Polygraph Company.
3. Метелев А. (2019). Психофизиологические основы полиграфных исследований. – Москва.
4. Утенков Г. (2020). Практика применения полиграфа в экспертной деятельности. – Санкт-Петербург.
5. Назарова Н. (2021). Юридические аспекты использования полиграфа в уголовном процессе. – Журнал российского права
6. Петров В. (2022). Корпоративные риски применения полиграфа. – Вестник юридических исследований
7. Забейда А. (2021). Судебная практика и полиграф: анализ противоречий. – Уголовное право и процесс